

БОЁВУТЧА МУНОСАБАТ У ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

АНҚОВЛИК ҚОПҚОНИ У ХАР ДОИМ ПАНД БЕРАДИ

СИМЁҒОЧДАГИ ОДАМ ёхуд ўғирликнинг мудҳиш оқибатлари ҳусусида икки ҳикоя

THEODORE ROOSEVELT: ИРОДАСИ МУСТАҲҚАМ ИНСОН

MEZON

Ширкат фойдаси ва зарарлари унинг иштирокчилари ўртасида, агар таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Ширкатнинг бирор-бир иштирокчисини фойда ёки зарарларни тақсимлашда иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарар ҳақиқий эмас.

Агар ширкат томонидан кўрилган зарарлар оқибатида ширкат соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитал) миқдоридан камайиб кетса, соф активлар қиймати устав фонди (устав капитал) миқдоридан ошмагунга қадар ширкат томонидан олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайди.

“АКЦИЈДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЈДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 11 (318) 2003 йил 18 МАРТ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

“Мен 1990 йили нишонланган Наврўз айёми-ни яхши эсламан, — деб ҳикоя қилади таниқли шоир Азим Суянов. — Ушанда Йилбоши буюқ ўзгаришларнинг бошланишидек таассурот қолдирган эди менда. Чиндан ҳам, байрам шодиёналари давом этаётган кунларда, 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши биринчи Президентимизни сайлаган... Эҳ, у кунларнинг унутилмас таассуротлари...”

Кўпчилик хавотирда, энди нима бўлади, деган ўй-ташвиш йўқ эмас. Чунки Ўзбекистон ўз Президентини сайлагани Москвага, Михаил Горбачевга мутлақо ёқмаган. Собққ иттифоқ раҳбари ўзи учун ноқулай бўлган халқпарвар Ислоҳ Каримовни ҳокимиятдан четлатиш, юртимизда нотинчлик келтириб чиқариб, ҳарбий кучларни диёримизга киритиш учун фитна-найрангларни авж олдиранган. Лекин узокки кўрадиган, дунёвий марраларни кўзлайдиган жасоратли раҳбаримиз бошчилигида барча тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб, бугунги фаровон ва дорилмон кунларга етиб келдик”.



Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

БАҲОР СЕНИКИДИР, ЯЙРАГИЛ, ЭЙ ЖОН...

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз ва Мустақиллик тушунчалари бир берига ҳамоҳангдир. Истибод даврида, шўро тузуми ҳукм суриб турган бир пайтда — 1990 йилнинг баҳорини юртимизда Наврўз айёми умумхалқ байрами сифатида катта тантана қилинган. Маълумки, бу айём 1984 йилдан сўнг таъқиқланган, айниқса, 1987 йилга келиб кескин қатагон этилган эди.

Инсон ўзини ва ўзлигини танигандан бери табиатга, борлиққа ўз сезгилари ва муносабатини бирон-бир шаклда билдириб келди. Бу сезги ва муносабатлар ифодасини Шарқ халқлари ҳаётида Наврўз мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, Наврўз доимо инсонни бунёдкорликка ундаган, она табиат жозибасидан баҳраманд бўлиш, унга ўз тақдирини боғлашга даъват этган. Халқ шунинг учун Наврўз айёми оламни кўзга тўтиб билган, қадрлаган, боққинчилар уни қатагон этган аччиқ замонларда таъқиқлардан, тарих тўфонларидан асраб-авайлаб олиб ўтган. Бунинг энг сўнгги мисоли сифатида юқорида саксонинчи йиллардаги зулм-

зўронликни эсга олдик... Мустақилликнинг биринчи йилида бу айём Алишер Навоий номидagi Миллий боғимизда, барча ҳавас қиладиган даражада кенг нишонланди. Шундан буён баҳор нафасидан қувват олиб, бутун бир ҳаётда жўшқин ўзгаришлар даврини бошлаб берувчи Наврўз айёми Миллий боғда тантана қилиш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда кенг нишонлаш гўзал анъанага айланди.

Президент Ислоҳ Каримов Наврўз байрами, Рўза ва Курбон ҳайитларининг тикланиши — халқ кадрларининг тирилиши, аждодлар руҳининг қайта уйғониши” сифатида кадрли ва унутилмасдир. Бугун биз учун Наврўз олам мамлакатимиздаги энг мўтабар байрамларнинг бирига айланган десак, хато бўлмайди.

Наврўз тун ва куннинг тенглашишига нисбат сифатида ҳам тилга олинади. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий газилада бунинг мукаммал таърифи мавжуд: **Васли аро кўрдим тенг эмиш бўйиу сочи, Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврўз.** Маҳмуд Қошғарий ўзининг машҳур “Девону лугатит-турк” асариде халқимиз минг йиллар олдин Наврўз тантаналарига бағиш-лаб яратган кўшиқлардан мумтоз намуналар келтиради.

“БИЗНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРГАН — САМИМИЯТ”

Бош Қомусимиз бўлган Конституциямиз қабул қилинганнинг ўн йиллиги муносабати билан Президентимизнинг “Амниятия тўғрисида”ги Фармони эълон қилинган эди. Ушбу Фармон ҳаёт йўлидан адашиб, жиноят тўлиқга кирган айрим юртдошларимиз тақдирига муҳим аҳамият касб этди. Авф этилган айбдорлар оиласи, ота-онаси, тинч ҳаёт кучоғига қайтиб, ўнуб тадбирнинг юксак инсонийлик ва бағрикенглик намунаси эканини эътироф этишмоқда. Бундай миннатдорчилик хатлари тахририятимизга ҳам келиб туради. Қуйида ана шундай йўлдан адашган юртдошимизнинг дил ихорлари ҳавола қилинаётир.

Бундан тўрт-беш йил бурун Навоий туманидаги 1-мактабда ёшларга физика, математика, астрономия фанларидан дарс берардим. Жамоада обрў-эътиборим яхши, қилаётган ишимдан кўнглим тўқ эди. Минг афсуслар бўлсинки, ана шундай ҳаёт йўлидан четта чиқдим. Ёшлигимга Бордим, шекилли, адашиб динни никоб қилган галямисларга қўшилиб қолдим. Шу қадар жаҳолат ботқоғига ботдимки, ота-онам, қариндош-уруғларим, мени устоз тутган ўқув-

Bag rikenglik

Бундай юксак инсонпарварлик ва бағрикенглик намунасини кўрсатолган Президентимизга ҳар қанча ташақкур айтсак кам. Ҳозир шу гапларнинг ёзаганман-у, кўзимдан дув-дув ёш оқмоқда. Эзгулик эзгулик уруғини ундириб, деганларини рост экан. Менга ҳаётимни қайта инъом этган Президентимизга, очик чехра билан кутиб олган ҳаюмторларимга қарата дил ихоримни баён этмоқчиман: яхшилар, муруватингиз ту-файли мен гўё яна қайта ту-ғилдим. Эндигина 27 баҳорини қаршиладим. Қолган умрини қилган хатоимни ювишга, савоб ва хайрли ишларга бағишлайман.

Шавкат ДЎСТОВ, Маликработ қишлоғи, Навоий тумани

Xabar

янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди. Адлия вазирлигида хорижий экспертлар, олимлар, етакчи ҳуқуқшунос амалиётчилар, давлат идоралари вакиллари, шунингдек, тармоқ уюшмалари ва компаниялари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Норгул АБДУРАИМОВА, журналист

Bugunning gapi

Бўз туманидаги “Шерали” фермер хўжалиги раҳбари Кўчқорбой Назаров ўз аъзоларини қанотига олиб, би-нойидек деҳқончилик қилиб юрган эди. Унга 1998 йил 6 декабр куни туман ҳокимининг қарори билан 9 гектар фермада 25 йил муддатга чорвачилик йўналиши бўйича ажратиб берилган эди.

2000 йилнинг шартномага кўра, фермер ўзига тегишли бўлган фермадаги 4 гектарига яхши ниятлар билан бугдой уруғи қадади. Бир текис уйдий чиққан бугдой ни-ҳоллари баравж ривожланаётган эди. Аммо саратон тундида чакмоқ чак-қандек, “Гулсiston” ширкат хўжа-лигининг ер тузу-чиси Ҳабибулла Бозоров янги йил-нининг январ кунла-рининг бирида бугдой экилган далага ҳай-дов тракторини бошлаб келди. Бугдой барк уриб турган кўм-кўк дала-ни курган тракторчи Одилжон Мамажонов аввалига унинг уюлидан кўрқиб, ерни бузи-май қайтиб кетди.

Ушундан сўнг май-донинг бир гектарини бу-завер, — деди ер тузу-чи, — жавобини ўзим берман.



Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси томонидан “Маҳаллам менинг — оилам менинг” мавзусида семинар ташкил этилди.

Тошкентда деҳқон ва фермерларнинг II Республика қурултоғи бўлиб ўтди.

Олий суди биносига Германия техникавий ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган “Суд-ҳуқуқ соҳасини демократиялаштириш ва эркинлаштириш масаласида ҳуқуқий давлатлар тажрибаси” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мажлислар залида “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммолар ва ечимлар” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Миллий Матбуот марказида “Журналистик фаолиятининг ҳуқуқий қаролатлари ва суд ҳокимияти” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзоланишига бир йил тўлиши муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.


Adliya tizimi

СИРДАРЁ

Бошқарманиннг қичик ва ўрта тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўтган йили ҳокимлик, корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари номига 78 та тақдирнома, 36 та оғоҳнома киритилди. Ушбу тақдирномалардан 30 таси таъбиркорлардан тушган тарз, шикоятларни ўрганишдан, 48 та тақдирнома, шунингдек, 17 та оғоҳнома бўлиб ҳодимлари томонидан жойларда ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларнинг олдинги олиш мақсадида киритилган.

АКЦИЈДОР ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

Президент Ислоҳ Каримовнинг жорий йил январ ойида эълон қилинган “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чоралари тўғрисида”ги Фармони хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаруш тизимини такомиллаштиришда муҳим дастурийлашма бўлмоқда.



маънавий зарар ундириш ҳақида қарор чиқарди. Шунингдек, ер тузувчи давлат фойдасига 226.600 сўм давлат божи ҳам тўлайдиган бўлди.

Фазлиддин ШАМСУДДИНОВ, хўқуқшунос Илҳом ЭҒАМНАЗАРОВ, “Инсон ва қонун” муҳбири

Бухоро вилояти Олот туманида фаолият кўрсатаётган "Камунар" хусусий дорихонаси раҳбари А.Рўзиёвнинг туман прокуратураси хузуридаги С ва ВОЖҚ бўлими ходимлари К.Жўраев ва Э.Абдуллаевлар томонидан ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ва 9 миллион сўмдан ортиқ доридармонлар қонунга хилоф равишда олиб кўйилганидан норози бўлиб, ушбу дори-дармонларни қайтариб олишга амалий ёрдам бериши ва унга etkazилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериши сўраб ёзган аризаси вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилганда С ва ВОЖҚ бўлими ҳамда ДСИ ходимлари томонидан ҳақиқатдан ҳам қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани маълум бўлди. Хусусан, Э.Абдуллаев ва Ю.Мамедовлар томонидан бу дорихонада қисқа муддатли текшириш ўтказишдан олдин дорихонада "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"га тегишли ёзувлар киритилмаган ва дорихона раҳбари А.Рўзиёвга ўтказиладиган текширишнинг тартиби ҳамда мақсади тушунтирилмаган. Бу билан Адлия вазирлигидан 2001 йил 15 майда 917-1-сон билан рўйхатдан ўтган "Ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишларнинг тартиби ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тўғрисида"ги Низом талаблари

қўпол равишда бузилган. Текширишчилар томонидан дорихонада 2002 йил 17 июндан бошлаб муркобил хизматни ўтаётган Н.Беганчевга нисбатан ноқонуний маъмурий жарима жазоси қўлланилган. Шунингдек, 59 турдаги доридармонлар санокдан ўтказилган бўлса-да, уларнинг турлари бўйича ва жами нархи аниқланмасдан, тумандаги 11-сонли марказий дорихонага вақтинча сақлаш учун топшириб юборилган.

йил 10 январдаги 7/58-03-сонли хати билан "Камунар" хусусий дорихонасида ўтказилган текширишда қонун бузилишларига йўл қўйилган Олот туман прокуратураси хузуридаги С ва ВОЖҚ бўлими инспектори Э.Абдуллаевга амалдаги Мехнат кодексининг 181-моддаси бўйича жазо чораси белгиланиб, дорихона хизматчиси Н.Беганчевга нисбатан маъмурий жарима солиш ҳақидаги қарор бекор қилинди. Тўланган жарима маблағини қайтариб берилди.

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

ган. Бу жараёнда А.Рўзиёв иштарик этган бўлишига қарамасдан, далолатномага унинг имзоси қўйдирилмаган ва бир нусхаси унга тақдим этилмаган ҳамда дори-дармонларни санокдан ўтказиш жараёнида тегишли мутахассиснинг иштироки таъминланмаган. Бу каби ҳолатларини инобатга олиб, адлия бошқармаси томонидан вилоят прокуратураси хузуридаги С ва ВОЖҚ бошлиғига 2002 йил 15 ноябрда 1741-сонли бажариллиши мажбурий бўлган тақдимнома киритилган ва ушбу тақдимнома асосан вилоят прокуратураси хузуридаги С ва ВОЖҚ бошқармасининг 2003

риллиши тўғрисида Олот туман ДСИга ёзма топшириқ берилиб, вақтинчалик олиб қўйилган 59 турдаги дори-дармонлар ҳам қайтарди берилди. Тадбиркорларни ҳали ҳам ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга асоссиз ҳукм чиқариш ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Шундай ҳолат Когон тумани ДСИ ходимлари томонидан ҳам йўл қўйилганлигини кўриш мумкин. ДСИ бошлиғи Д.Турсунов, ДСИ ходими С.Тоиров ва Когон туман молия бўлими томонидан "Сиддиқов Наби" фермер ҳўжалиғи раҳбари Р.Сиддиқовани Жиноят Қодексининг 187-модда 2-қисми

Qonun ko'magi

"Б" банди билан гайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиб, тадбиркор аёл Йиллар давомида ДСИ, прокуратура (СаавОЖҚ) бўлимининг тергов идоралари ва судларда ўз умрини ўтказган ва унга катта миқдорда ҳам моддий, ҳам маънавий зарар etkazилган. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди ва 2001 йил 8 август кўни жиноят ишлар бўйича Когон шаҳар

суди Р.Сиддиқованинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиғи муносабати билан оқлов ҳукмини эълон қилди. Тадбиркорга гайриқонуний равишда etkazилган маънавий ва моддий зарар ундириб берилди. Хулоса ўрнида айтсак, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида барча вилоят ҳокимликлари ҳамда юқори ташкилотларнинг раҳбарларига тегишли тартибда тақдимномалар киритилмоқда ва қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилмоқда. Сайдилла СУЛТОНОВ, ҳуқуқшунос

Adliya tizimi

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўтказилган текшириш жараёнида "Пахтабанк" акционерлик тижорат банкининг "Бўстон" бўлими иш фаолиятида айрим қамчиликлар мавжудлиги аниқланди. Аниқроқ айтганда, банкнинг тегишли ходимлари ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун берувчи гувоҳнома-масиз ҳолда, "Элиқалъалилла" акционерлик жамияти, "Элводсервис" кичик корхонаси, "Эл Руслан" савдо фирмаси, "Хулкар" ва "Мевазор" фермер ҳўжаликларига текширишлар олиб боришган. Шунингдек, "Жавҳар" хусусий фирмаси, "Дори-дармон" акционерлик жамиятига қарашли дорихона, "Элнур" маъмулият чегранга жамияти, "Жавлон" хусусий корхонаси ва "Мардон" фермер ҳўжаликларидан қонунда кўзда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилишган. "Бўстон-123" фермер ҳўжалиғи раҳбари Б. Раимовнинг мурожаатлариға бекфарқлик муносабатида бўлишган.

Шуларға кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жиноят ишлари бўйича Элиқалъа туман судига "Пахтабанк"нинг "Бўстон" бўлими олти нафар ходимини маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тақдимнома киритилди ва суд қарори билан айбдор шахсларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача бўлган миқдорда жарима солинди.

ТАҚДИМНОМА ВА НАТИЖА

Мамлакатимизда тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш адлия идоралари зиммасига юклатилган. Адлия идоралари бу борада қўллаб-қувватлов ишларини амалга оширмоқда. Хусусан, тадбиркорлар манфаатини қўллаб-қувватлаш ташкилотлар ва мансабдор шахслар номига турли хил талабнома ва тақдимномалар киритилмоқда. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Лекин уларнинг ижроси қандай аҳволда, деган савол турғилиши шубҳасиз. Хўш, адлия бошқармалари томонидан тадбиркорлар манфаатини қўллаб қиритилган, қонунбузарликларни бартараф этиш хусусидаги талабнома тақдимномалар ўз вақтида ижро этилиб, қўтилган натижаларға эришилаё-

тирми? Афсуски, бу саволға дафъатан ижобий жавоб бериш мушкул. Мисол учун айтадиган бўлсак, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси биргина Денов туман ҳокимлиғига бир қанча тақдимнома-ю талабномалар киритган. Бироқ уларнинг кўпига ўз вақтида аниқ жавоб олинмаган.

Аниқроқ айтганда, улар ижроси қоғозда қолиб кетган. Айримларига эса муҳал жавоб йўлланган. Масалан, вилоят адлия бошқармаси Амир Темур номидаги уруғчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси хуудидаги "Бахриддин" фермер ҳўжалиғи манфаатларини қўллаб, туман ҳокими номига тақдимнома киритган эди. Туман ҳокимлиғи мазкур тақдимнома ижросини турли хил баҳоналар билан натижасиз қолдирди. Шун-

дан сўнг вилоят адлия бошқармаси мазкур масала юзасидан, вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Ҳўжалик суди мазкур даъво аризасини қисман қаноатлантирди. Бироқ вилоят ҳўжалик суди қарорининг ижроси ханузгача таъминланмапти. Яъни «Бахриддин» фермер ҳўжалиғига 29,2 гектар ер майдонини ханузгача ажратиб берилмапти. Бир сўз билан айтганда, тақдимномаларға ногнандлик ҳалигача давом этмоқда.

Адлия бошқармасининг "Хазорбоб" ширкат ҳўжалиғи хуудида фаолият кўрсатаётган "Олим" фермер ҳўжалиғининг чорва молларига озуқабол экинлар етиштириш учун қўшимча ер майдонини ажратиш ҳақидаги тақдимномасига эса туман ҳокимлиғи роп-

Dakki

ТАҚДИМНОМА ВА НАТИЖА

па-роса ярим йилдан сўнг жавоб хати ёзди. Холбуки, тақдимномани дарҳол қўриб чиқиб, натижалари ва қўрилган чоралари ҳақида ўн беш кунлик муддат ичидан вилоят адлия бошқармасига ёзма равишда ахборот тақдим қилиш сўралган эди. Устиға устак, тақдимнома-ю талабномаларға кечикиб бўлса-да йўлланган жавоблар муҳалликдан холи эмас.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ҳар қандай тақдимнома ёки талабнома ижро этилмас экан, қоғоз-бозлик ва расмийчилик давом этаверади. Бу эса тадбиркорлик йўлиға сунъий тўсиқлар қўяверади.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОДОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Gazetxon xat yo'llabdi

ТАҚДИМНОМА ВА НАТИЖА

Тошкент-Қиррай-Бўзсув кўприғи қурилиши муносабати билан биз яшаб турган уйлارнинг бузилиши кўзда тутилган. Бешта хонадонда саккиз оила бўлиб, орамизда кексалар, ёшлар, ногиронлар ҳам бор. Қиррай тумани уй-жойларни ҳисобға олиш идораси ходимлари хонадонларимизни 1991 йилги нарх билан баҳолашди. Лекин Қиррай тумани ҳокимлиғи уларнинг хулосасини маъқулламай, бизға арзон нархли 129-кўрсаткични белгилаб берди. Устиға устак, ҳокимлик бизни уй-жой билан таъминлашдан ҳам бош тортмоқда. Бу ҳаусида мутасадди идораларға ҳам мурожаат этидик. Бироқ улар ҳам туман ҳокимлигининг қарорини тўғри деб жавоб йўллашди.

Холбуки, қонун бўйича фуқароларнинг уйлари бузиш зарур бўлганда уйлар бозор нархида баҳолашнинг ва уй эгасига тўлиниши, шунингдек, уй-жой билан таъминлиниши керак-ку?!

Ушбу муаммонинг қонуний ҳал этилишида кўмак берингизлар...

Гулнора АХМЕДОВА, Қиррай тумани, Бўстон даҳаси



Баҳор ёмғиридан чайилган йўллар

Утган йили Хоразм вилоятида тадбиркорлик ҳаракатига билиб-билмай тўсиқ солишға қаратилган 68 та ноқонуний хатти-ҳаракатлар адлия идораси талаби билан бартараф этилди. Бунинг натижасида қўндан-қўн ноҳақликлар барҳам топди, амалий ишларға йўл очилди, қимматингиз қўпол хатоси, уқувсизлиғи ёки ғаразли қадамлари оқибатида etkazилган зиёнларнинг ўрни қопланди, турли низо, можаро ва келишмовчиликларға чек қўйилди.

мизда адлия тизимининг қонуний талабномаларига нисбатан лоқайдлик кайфияти ҳукм сурапти, дейилмапти. Негаки, асарият хато ва камчиликлар айнан тақдимномалар тўғрисида баҳрам топаёпти.

Қонун ва амалдаги тартиб-қондалар тақдимномаларға гоят масъулият ва сезгирлик билан ёндашишни такозо этади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат бонс камчилик ва нуқсонларнинг анча-юнча қисми барҳам топаётгани айни ҳақиқат. Аммо безовталиққа сабаб бўлаётган хато ва камчиликлар ҳам анчагина. Би-

ларига амал қилинадиган бўлса, раисға қишлоқ ва сув ҳўжалиғи эмас, балки туман ҳокими ёки ширкат ҳўжалиғи умумий йиғилиши ҳисоб бериши мумкин. Ҳокимлик қарамгоғидиға маҳкаманинг ширкат раҳбарини жазолашға ҳаққи йўқ.

Битта тақдимнома юзасидан Шовот тумани мутасаддилари йўлланган иккита жавоб хатининг мазмуни эса бундан-да антика. Адлия бошқармаси тақдимномасини муҳокама этган тумандаги "Ризк" ҳиссадорлик жамияти ўзининг 2001 йил 5 сентябр ва 15 ноябр

ларига амал қилинадиган бўлса, раисға қишлоқ ва сув ҳўжалиғи эмас, балки туман ҳокими ёки ширкат ҳўжалиғи умумий йиғилиши ҳисоб бериши мумкин. Ҳокимлик қарамгоғидиға маҳкаманинг ширкат раҳбарини жазолашға ҳаққи йўқ.

Битта тақдимнома юзасидан Шовот тумани мутасаддилари йўлланган иккита жавоб хатининг мазмуни эса бундан-да антика. Адлия бошқармаси тақдимномасини муҳокама этган тумандаги "Ризк" ҳиссадорлик жамияти ўзининг 2001 йил 5 сентябр ва 15 ноябр

асосда бекор қилинган қарор, ҳокимликни ҳам уни тасдиқлаш юзасидан чиқарган қарорини бекор қилишға ундамоғи керак эди. Оқибатда бу масала судда ечим топди.

Маълумки, фурсатда кесилмаган яра газак отади. Аллақайси мансабдорнинг столи ғаладониде чанг босиб ётган тақдимноманинг газак отаётган ярадан нима фарқи бор? Шундай экан, йўлланган тақдимномаларимизға орандан қарийиб уй ой ўтгачина жавоб қайтарган деҳқон ва фермерлар уюшмалари вилоят бўлими, 3,5 ойға яқин вақтдан сўнг жавоб йўлланган вилоят давлат санитария назорати Маркази, Хазорасп, Қўшқўпри туманлари, Урганч шаҳри ҳокимликлари масъул ходимлари фаолиятини афсуски, ижобий баҳолай олмаймиз. Баъзи тақдимномаларға йўлланган жавобларда "муҳокама этилди", "чора қўрилди", "тадбирлар белгиланди" каби тумтароқ иборалар билан баён этилган гоғад умуий мазмундан иборат жумлаларға дуч келамиз.

Аслида эса муҳокама этилганини англатувчи жумлага ўша муҳокамонинг баённомаси, "чора қўрилди" иборасига шу юзасидан чиқарилган буйруқ ёки қарорнинг нусхаси, тадбирлар белгиланганига оид жумлага эса вақолатли идора ва унинг раҳбарини томонидан тасдиқланган тадбирноманинг матни илова қилиниши шарт.

Қисқиси, тақдимномаларға йўлланган жавоблар мазмундан айрим раҳбар-мутасаддиларнинг иш фаолияти-

Shartnoma sharti

БОЁВУТЧА МУНОСАБАТ У ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Боёвут туманида ҳўжалик шартномаларнинг тузилиши қонунийлиғи, ширкатларда ички ҳўжалик шартномалари тузилишиға қанчалик жиддий қаралаётгани ўрганиб чиқилганда, бу муҳим ишлар туманда номиниға бажарилаётгани, шартномаларда оила пудратчилари манфаати поймол этилаётгани, уларнинг ҳуқуқлари бузилаётгани ҳолатлари маъжудлиғи аниқланди. Биргина "Наврўз" ширкат ҳўжалиғида 229 гектар экин майдонини 39 нафар оила пудратчиларига тақсимланган. Бироқ пудратчилар билан тузилган ички ҳўжалик шартномасининг бир нусхаси пудратчиларға берилмаган.

Маълумки, шартнома тузилган, у қонуний тус олади. Шу боис, уни тузишда мавжуд қонун-қондаларға тўла риоя этилиши зарур. Ушбу ширкатда эса мавжуд тартиб-қондалар қўпол равишда бузилмоқда. Ишлаб чиқариш режасидан ортиқча махсулот пудратчиға тўлиқ натура ҳолда бепул берилиши шартлиғи амалдаги кўрсатмада белгиланган. Ширкатда тузилган ички ҳўжалик шартномасида эса режадан ортиқча етиштирилган махсулотнинг 70 фоизи оила пудратчиларига берилиши кўрсатилган. Бундай қонданни қайси мезърий ҳужжатлардан олишганини, ҳатто ушбу ширкат раҳбарларининг ўзлари ҳам эслай олинмади.

Ширкатда ғалла экиганиға беш ойдан ошди, оила пудратчилари эса ҳалигача чек дафтарларини олишгани йўқ. Натижда ҳисоб-китоблар эски усулда олиб борилиб, ҳаражатлар мезъирсиз сарфланмоқда. Пудратчилар Ф.Орипов ва

Ш.Алламуродов билан сўхбатда ана шундай ҳолатлар аниқланди. Ана шу оила пудратчиларига ўтган ойлار мобайнида 2 минг сўмдан иш ҳақи берилган, ҳолос. Уларнинг оилалари ихтимойи ҳимояға муҳтожлиғини ушбу ҳолат ҳам ўз-ўзидан тасдиқлаб турибди.

Ахволни ўрганиш жараёнида ширкат ҳўжалиғи қачон ва қанча даромад олиши, пудратчилар қўшган улушиға нисбатан қанчадан дивиденд олиши ширкат раҳбар ва мутасаддиларининг ҳаёлида ҳам йўқлиғи аён бўлди. Пахта ва бошқа экинларнинг жойлаштирилиши бўйича туман ҳокими қарори чиқарилмагани боис ҳалигача улар бўйича ички ҳўжалик шартномалари тузилмаган.

"Наврўз" ширкат ҳўжалиғи раҳбари Т.Худойқулов ва молия ҳисоб-китоб маркази бошлиғи К.Эгамбердиев ҳўжалик ишларида янги одамлар эмас. Бизни ҳайрон қолдираётган жиҳати шунки, улар узок йиллар давомида ўз вазиғаларига совуққонлик билан муносабатда бўлишиб, ҳўжалиқни қандай бошқариб келётган экан? Наҳотки, мамлакатимизда ўтказиладиган кенг қўламли ислохотлар бу ширкатға етиб келмаган бўлса?

Яна бир гап. Ширкат ҳўжалиғи аъзолари, мулкий пай эғалари ўз меҳнатлари учун белгиланган миқдорда иш ҳақи ва фойдадан дивиденд олишмасе, унда бу ҳўжалиқнинг эски жамоа ҳўжалиғидан фарқи қолмайди. Буни Боёвут туманида ҳам билиб қўйишса, зарар қилмасди.

Абдумурод КўЗИЕВ, ҳуқуқшунос

Saboq

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Мамлакатимиз ички истеъмол бозорини сифатли товарлар билан тўлдириш ҳуқуматимиз сиёсатининг бош мезони десак, хато эмас. Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси хуудидиға товарлар олиб келиниши тартибға солиш тўғрисида"ги қарори ана шу мақсад сари қўйилган амалий қадамлардан биридир.

Булоқбоши туманида ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида ҳуқуқини муҳофаза этувчи идоралар ҳамкорлиғида қўллаб-қувватлов ишлари амалга оширилди. Аниқроқ айтганда, қонун ва ҳуқуқат қарорларига бепиёсан одамларнинг таноби тортиляпти. Ҳозирға қадар 64 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди, шундан тўртта ҳолатда жиноий, 60 та ҳолатда эса маъмурий иш қўзғатилди.

Аниқланган қонун бузилишлар бўйича жами 5 миллион 375 минг 315 сўмлик товар моддий бойликлар қонунбузар шахслардан олиб қўйилди. Давлат фойдасига мусодара қилинган бу товарлар махсус дўконларда сотилиб, маблағлар давлат хазинасига туширилди.

Бу соҳада тушунтириш ишлари етарли даражада олиб бориляпти. Лекин айрим фуқаролар ҳали ҳам мавжуд қонунларға бепиёсан қарашяпти. Натижда улар қаттиқ панд ейишмоқда. Майярик фуқаролар йиғини, Майярик кўчаси, 12-уйда истикомат қилувчи фуқаро Жўраев қонун талабларини четлаб ўтиб, 77 хилдаги чет эл товарларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз пуллаётганда қўлга тушди. Унга тегишли 628 минг 600 сўмлик махсулот далилий ашё сифатида олинди, жиноий иш қўзғатилди. Махсулотлар эса давлат фойдасига мусодара қилинди.

Фуқаро Юсупова ҳам ана шундай 668 минг 450 сўмлик товар моддий бойликлар қонуний бўлгани учун давлат фойдасига ўтказишға мажбур бўлди. Ноқонуний иш — келтирар ташвиш деганларга шу эмасми?!

Туманда мусодара қилинган товар моддий бойликларни сотишда ҳам бир талай қинғирликлар юз бериётган аниқланди. Шу йилнинг 10 январ кўни туман ихтисослаштирилган савдо дўкониде ўтказилган текширишда аниқланишича, дўконға жами бўлиб давлат ихтиёриға мусодара қилинган товар моддий бойликларнинг 5 миллион 538 минг 830 сўмлиғи қирим қилинган. Текшириш ўтказилган қўнғача эса уларнинг 3 миллион 835 минг 58 сўмлиғи сотилиб, 2 миллион 140 минг 400 сўмлик молнинг пули бюджетға ўтказилгани маълум бўлди. Сотилган маблағнинг 20 фоизи ёки 767 минг 11 сўми туман савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти ҳисобига ўтказилиши керак эди. Лекин 191 минг 753 сўм маблағ асоссиз равишда жамият ҳисоб рақамига тушириб олинган. Бундан ташқари, ўтган йилнинг декабр ойлариде сотилган товарлардан тушган 927 минг 647 сўмлик тушум пули бюджетға ўтказилмасдан, акциядорлик жамияти ҳисоб рақамиде ушлаб турилган.

Албатта, мазкур қонунбузарликка ўз вақтида чора қўлланди. Бундай ҳаракат учун акциядорлик жамияти бош ҳисобчисига нисбатан маъмурий жавобгарлик, унинг икки ёрдамчисига нисбатан интизомий жазо белгиланди. Бюджетға туширилмаган 1 миллион 119 минг 400 сўм маблағ эса ўз жойини топди. Бу ҳол бошқаларға ҳам сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Абдулазиз МИРЗАЕВ, ҳуқуқшунос

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳўжалик субъектлари раҳбарлари, айрим назорат ва молия-банк муассасаларига юборилган тақдимномаларға мувофиқ мансаб эғаларининг 37 нафари интизомий, 18 нафари маъмурий жазоға тортилган, 16 нафари расман огоҳлантирилгани бунинг тасдиғидир. Тилға олинган факт ва далиллар тадбиркорлик ҳаракатининг равнақи ва самарасини таъминлаш мушкул юртимизда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишиға айланганлиғидан далолатдир. Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида" 2002 йил 17 феврал куниндаги 57-сонли қароридан сўнг ўтган уч йил ичиде мамлакатимиз кичик ва ўрта бизнес соҳиблари давлатимиз ва унинг конституцион бугини — адлия тизими тимсолида ўзларининг ишончли таяничи ва суянчиға эға бўлди, десак хато қилмаймиз.

эйтибдор ҳали жойларда анча сўст ва мутасаддилар унинг кучини тўла ҳис этиб улгурмаёпти. Амалда эса қонун кучиға баробар мазкур тақдимнома-

роқ тақдимномаларға бўлган муносабатда ҳуқуқий саводсизлик, лоқайдлик, этиборсизлик ҳолатларини анча кўп кўрасиз. Утган йили Урганч туманидаги Охунбобоев номидаги ширкат ҳўжалиғида шартномавий муносабатларда йўл қўйилаётган жиддий қонунбузарлик юзасидан ана шу туман ҳокимлиғи расмий тақдимнома жўнатилган эди. Орандан хен қанча вақт ўтмай тақдимномаға жавоб олди. Унда айтилганича, ҳўжалик раиси И.Мадраҳиятуман қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бошқармаси томонидан ҳайфсан эълон қилинибди. Аммо тақдимномалар бўйича белгиланган Низом талаб-

қонлари қабул қилган иккита қарори ноқонуний эканлиғини тан олиб, ҳар иккаласини ҳам ҳақиқий эмас, деб топган. Бироқ туман ҳокимлиғи жамият қарорини ҳам, адлия бошқармасининг тақдимномасини ҳам тан олмаган. Бошқача айтганда, ҳиссадорлик жамияти томонидан бекор қилинган ва маъжудлиғини йўқотган қарорини ҳокимлик барибир мавжуд, деб ҳисоблаган. Қонун ҳужжатлари эса буни бошқача талқин этади. Яъни ҳиссадорлик жамияти умумий йиғилиши қарорини рад этишға (ноқонуний ҳоллар бундан истисно) ҳокимлик ҳақи эмас. Ҳиссадорлик йиғини томонидан қонуний

1. КЎРГИЛИК

Иш вақти тугаб, Дилмурод энди кўчага отланган эди, тенгкур дўсти Яхшигелди келиб қолди.
— Тинчликми? Қандай шамол учирди? — деб сўради салом-алиқдан сўнг Дилмурод.
— Тинчлик, тинчлик, — деб илжайди Яхшигелди. — Машина керек. Эплай оласанми? Кейин хурсанд бўласан.
— Бўпти, — деди ўйлаб ҳам ўтирмай Дилмурод.
Машина ҳам оёқ остидан чиқа қолди. Яхшигелди мамнун жилмайиб, Дилмуроднинг елкасига қокди:
— Раҳмат, — деди яйраб. — Бу ёғини ўзимизга қўйиб беравер.
Яхшигелди ҳайдовчи йигит билан гапни чўшиб ўтирмади. Тун қоронғисидан ўралишга ахдлашди, хайрлашди.
...Кийинги соғуқ кечаси. Ярим тун. Яхшигелди шериклари Махмуд, Қадимбой, Василлар билан машинанинг юмшоқ ўриндиқларига чўкишди. Машина зулмат кўйини ёриб, "Озод" ширкат хўжалиги томон елдек учиб кетди. "Ум симёғоч оралигини" "тозаласак", ёмон бўлмайди. 420 метр дегани ҳаммасини боқайди, — деди ширин халғина чўди Яхшигелди.
"Ноябрдаги" "ов"имиз бароридан келган эди. Ишқилиб, бу гал ҳам шундай бўлсин-да! — деб лаблари пичирлади Махмуднинг.
Машина овулдан анча овлоқ жойда — "Туямуён-Нукус" сув қувири қошида тўхтади. Тўртовлон машинанадан тушиб, илгарилар кетишди. Беш-ун кадам босиб, электр симлари тортилган симёғочлар тагида

тўхташди. Яхшигелди ёнидагиларга қараб:
— Яхши қолинглар, — дея ҳазиллашди-да, қаққон ҳаракатлар билан симёғочга тирмаша кетди. Симёғоч учига яқинлашган, у қўлига ўткир

бўғизни йиртгудек «дод»лаган овоз тарқалди-ю, Яхшигелдининг оғир гавдаси ерга гурсиллаб қулаб тушди...
Яхшигелди шу кўйи ўзига келмади. У тонга яқин туман касалхона-

ўзига одат қилиб олган шахсларни кўрганнгизда, қалбингизни хайрат ўрнига афсус эгаллаб олиши шубҳасиз.
Алишер Жалекеев 1973 йилда Хўжайли туманида туғилган. Ҳозир ёши ролпа-роса ўттизта. Афсуски, унинг қайноқ юрак тафти, билан кучи шу пайтага қадар бирор-бир фойдали ишга сарф бўлмади. Фойдали иш қайда деясиз, ақинча, ўғрилиқ сингари манфур ишни ўзига "қасб" қилиб олди. У бу хатти-ҳаракатлари учун 1998 йилнинг 10-июн кунини жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман суди томонидан уч йил муддатга озолиқдан маҳрум қилинди. Аслида, тушунган йигитга шунинг ўзи кифоя эди. Бироқ Алишер бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Орадан кўп ўтмай, у Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суди ҳукми билан беш йил қамқоқ ҳазорасига маҳрум этилди. Ҳазо муддатга яриллаб деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги "Амнистия тўғрисида"ги Фармони билан жазони қолган қисмини ўташдан озо бўлиб, оиласи бағрига қайтди.

СИМЁҒОЧДАГИ ОДАМ
ёхуд ўғирликнинг мудҳиш оқибатлари хусусида ИККИ ХИКОЯ

тиғли сим қирқувчи мосламани олди. Шундоқ тепасида алюмин симлар «виз-виз»лаб сас бериб турибди. Мана, биринчи сим қирқилди. Иккинчи сим қирқилганида, Яхшигелди бир титраб кетди.
— Ховликма! — деб қичқирди кимдир пастанд.
Яхшигелди учинчи симни қирқмоқчи бўлган пайт бирдан кўз олдидан ўт чақнаб кетди. Электр симларидан худди мудҳиш фожеадан дарак бераётгандек, вишиллаб овоз чиқди. Сўнг қоронғу тун кўйинига

сида бу дунё билан мангу хайрлашди. Шу тариқа ўғрилиқ йўли орқали текин даромад орттиришни истаган навқирон йигит ҳаётдан бевақт кўз юмди. Жиноят ишида у билан шерик бўлганлар дафн маросимига қўшилмай, оломондан четда қолди.
Бу — оғир кўргүллик эди.
II. ГАЛАТИ "КАСБ"
Биров сизга ўғрилиқ, фибрибгарлик, гиёҳвандлик каби иллатларни касб деб атаса, хайрон қолишингиз аниқ. Аммо гоҳо-гоҳо мана шундай тубанлик, ярамас қилиқларни

Mushohada

лан шуғулланаётган Татьяна Чикунваннинг чиройли сумақчасига оч назар ташлади. Чаққонлик билан сумақ ичидаги ҳамённи қўлига илди-да, ўзини четга олди. Унгайроқ жойни топиб, ҳамённи очиб кўрди: унда 3000 сўм ва Россия Федерациясининг 100 рубли бор экан.
Ҳақалак отган нафси Алишерни яна «ов»га ундади. Яна бозор ора-лаб кетди. Алишернинг диққатини Қурбонгул Серденова исми аёл тортди. Алишер бор маҳоратини намойиш қилиб, ишга киришди. Олдинги йилларда орттирган "тажриба"лари иш бериб, ҳар бири олти граммлик икки дона аёллар тилла узуги, бир дона эгизаклар тасмаси туширилган олтин тақинчоқ ва икки дона тилла тиш қолпағичларини осонгина қўлга киритди.
Бироқ уларни тасарруф этиш унга насиб қилмади. Қўлга тушган, Алишер ўғирланган моллар ҳисобидан Татьяна Чикуновага 6400 сўм, Қурбонгул Серденовага 194.000 сўм миқдордаги "жигилдонидан ўтган" пулларни қайтариб беришга мажбур бўлди. Сунд унинг учинчи бор жазоланди.
Алишер Жалекеев эркин ҳаёт кўйинга қандай фикр-ўйлар билан қайтади: яна ўша галати, манфур "қасб"ида қоладими ёки чин маънодаги қасб-ҳор билан шуғулланишга жазм этилди? Буни таққу кўрасатади.

Тожимурод ЭШМУРОВО, "Инсон ва қонун" муҳбири

Taqdir tarixi



THEODORE ROOSEVELT: ИРОДАСИ МУСТАҲҚАМ ИНСОН

Америка президентлари орасида дунё миқёсида тинчликни сақлаш йўлида хизматлари эвазига биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган машҳур шахслардан бири Теодор Рузвельт эди.
У 1858 йилнинг 27 октябр кунини Нью-Йорк шаҳрида туғилди. Ойлада тўртинчи фарзанд бўлган Рузвельтнинг отаси голландиялик, онаси Марта хоним эса грузиялик эди. Отасининг раҳбарлигида Теодор 5 ёшдан бошлаб бокс билан мунтазам шуғулланишга киришди. Бунинг натижасида ўсмирлар ўртасида ўтказилган турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни ҳам эгаллади. У ўсмирлик чоғида ота-онаси билан Европа ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатларга ҳам чиқди.
Теодор гўдаклигидан бошлаб узокни яхши кўра олмас эди. Отасининг топиш-тутиши яхши бўлгани учун Теодор 18 ёшигача махсус ўқитувчилар қўлида таҳсил олди. Бу ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, у 1876 йилда машҳур Гарвард дорилфунунининг талабаси бўлиш бахтига мушарраф бўлди. У нафақат ўзига, балки ўқитувчиларига ҳам шунчалик талабчан эдики, улар Теодордан кўп савол бермасликни илтимос қилишарди. 22 ёшли Теодор ўқини тамомлаш аранда бўлажак қайлиги — бостинлик Алиса исмли қиз билан танишиб қолиб, 1879 йилнинг кузида у билан турмуш қурди. Университетни тугатган, отасидан қолган маблағ эвазига ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Колумбия дорилфунунига ўқишга қабул қилинди. Талабалик йиллари Теодор ижод билан ҳам шуғулланиб, 1882 йилда бўлиб ўтган АҚШ ва Буюк Британия ўртасидаги уруш ҳақида китоб чоп эттирди. Рузвельтнинг сийсатга кириб келиши 23 ёшида Нью-Йорк штати ассамблеясига сайланиши билан бошланди.
У хали ёш бўлишига қарамадан билим доирасининг кенглиги, тиришқоқ ва изланувчанлиги билан кўпчилик мансабдорларнинг эътиборини қозонди. Рузвельтнинг ҳаётидаги энг бахтсиз кун 1884 йилнинг 14-феврални саналади. Чунки ана шу кун у йигирма ёшли хотинидан, муштипар онасидан ажралиб, 2 ёшли қизи Алиса билан ёлғиз қолади. Бундай оғир жудоликдан сўнг Рузвельтнинг қўли ишга бормади. У ўзини қалғитиш мақсадида Миссури дарёси бўйидаги дала ҳовлисида жўнайди. У ерда вақтинчи ота-сайр қилиш билан ўтказди. Бундан ташқари, ижод билан ҳам шуғулланиб, "Гарбнинг икки намуна иккинчи китоби"ни ҳам нашрдан чиқаради. Дам олиб юрган кезларида болалигидан яқин дўстига айланган Эдит Керият деган аёлнинг ишга тез-тез меҳмондорчиликка бориб туради. Ана шундай ташрифларнинг бирида Теодор Керият хонимга севиғи изор қилади ва 1886 йилда улар турмуш қуришади. Орадан икки йил ўтган, мамлакатда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Бенжамин Гаррисоннинг ишончли вақили сифатида Рузвельт унинг галаба қозонишида катта ёрдам беради. Бунинг эвазига президент Гаррисон яхши фуқароларга хизмат қурсатиш ташкилотининг бошлиғи этиб тайинлади. Беш йиллик фаолияти мубайнида Рузвельт бутун диққат-эътиборини аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга қаратиб, бу соҳада ижобий натижаларга эришади. Навбатдаги президентлик сайлови олдидан дўстлари унга номзодини қўйишга даъват этишганида, Теодор уларга эътироз билдириб, "Бундай дейишга қандай журъат этдингиз, хали мен ўзимни бундай олий бахтга лойиқ инсон деб ҳисобламайман", дейди. Бу Рузвельтнинг нақдлар қўли, масъулиятли ва узокни кўриб иш тутувчи шахс эканлигидан далолатдир.
Уша йилги президентлик сайловларида республикаси Мак-Кинли голиб чиқиб, давлат раҳбар этиб сайланади. У Рузвельтнинг истағига қарши ўлароқ уни АҚШ Ҳарбий флотига раҳбар этиб тайинлади. Уша йилда Теодор Рузвельт ўзини босадиган, ундан ўтадиган ҳеч қанга йўқ эди. Буни эса президент Мак-Кинли жуда яхши биларди. Бу орда АҚШ ва Испания ўртасида уруш бошланиб қолади.
Уруш бор-йўғи 3 ой давом этиб, испанларнинг сулҳ тузиши билан аяқланади. 1898 йилнинг охирида Парижда имзоланган шартномага асосан Пуэрто-Рико ва Гавай ороллари АҚШ тасарруфига ўтади. Урушдан кейин мамлакат ички ҳаётида республикачиларнинг мавқеи пасаяди. Шунда кўпчи-

Charxi kajraftor

ШОШҚАЛОҚЛИК КАСРИ

Мериленда 26 ёшли йўловчи такси тўхташи учун йўлга чиқди. Йўловчи машиналардан бири тўхтаган, у ҳайдовчига спиртли ичимлик ичгани ва марихуана чекиб олганини айтиб, полиция келиб қолмасдан бу ердан тезроқ кетиши зарурлигини билдирди. Унинг бахтига қарши, ҳайдовчи оддий кийимдаги полиция ходими эди...

АНТИҚА УСУЛ

Оклагомада 21 ёшли жиноятчи сотувчини катта илон билан қўрқитиб, дўконни ўмариб кетди.

АДОЛАТНИ УНУТМАДИ

Канаданинг Гамильтон шаҳрида бир дўконни «шилиб» кетган ўғри бир оз фурсатдан сўнг дўконга қайтиб келиб, сотувчиларга ўғирлаган пуlining бир қисмини чойчақа сифатида қайтариб берди.

ФАРОМУШ ХОТИРА

Индианада қўнғом бостириб кирган ўғри сотувдан тушган пулларни яхшилаб ҳамёнига жойлағач, шоша-пиша жуфтаски ростлади. Бироқ кейинчалик маълум бўлдики, паришонхотир ўғри дўкон растасида ҳамёнини унутиб қолдирган экан.

СЎНГИ ЧОРА

Дераза орқали банкка ўғирликка кирган ўғри қўлини кесиб олиб, қаттиқ жароҳатланди. Устига устак, у бошқа хонага тушиб қолган экан. Чунки бу хонада сейф йўқ эди. Унинг қўлидан кўп қон кетгани сабабли, қайтиб чиқиб кетишга мадори қолмаган, у тез тиббий ёрдамга қўнғор қилишга мажбур бўлди. Шифокорлар эса полициячиларни ҳам бошлаб келишди.

ОМАДЛИ ҚОЙДАБУЗАР

Германияда полиция қонида жуда кўп миқдорда алкогол (4,5 фоиз, бу одатдаги меъёрдан деярли ўн баравар кўпдир) бўлган ҳайдовчини қўлга олди. Кайфи тароқ ҳайдовчи машинасида йўл четидида бетон тўсиққа урилгандан сўнг воқеа жойига полициячилар етиб келди. Бахтни қарангки, 40 ёшли бу қойдабузар озгина лат еди, холос.

ЧАҚИБ ОЛМАСА БЎЛГАНИ...

Сиднейда кимдир ҳайвонот дўконидан 20 та ўргимчак ва чаёни ўмариб кетди. Бу ҳаётотлар инсон ҳаёти учун хавфли бўлгани боис полиция оммавий ахборот воситалари орқали номаълум ўғрига қарата мазкур ҳаётотлар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақида оғохлантирди ва уларни илжожи борича тезроқ ўз жойига қайтаришни сўради.

ЮЗ ЎГИРГАН ОМАД

Кентуккида бўлиб ўтган суд мажлисида судланувчининг жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этганини малакалай олмаган ҳақамлар ушбу масалани ҳал қилишнинг антиқа йўлини топишди. Улар масалани қуръа ташлаш усули билан ҳал этишга қарор қилишди. Қуръа натижасида эса судланувчидан омад юз ўғирди — унинг чекига айнан қасддан жиноят содир этиш айби тушди. Оқибатда у умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилинди.

Акмал ШОДИЕВ тайёрлади.



Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдугани ЖУМАЕВ

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК
У ҚАЧОН ЕНГИЛЛАШТИРИЛИШИ МУМКИН?

Маълумки, ҳаётда баъзан бирон-бир ноқулай ҳаёт-ҳаракат ташқи таъсир (кучли руҳий ҳажон, оилавий ёки шахсий шариот кабилар) натижасида ёки хали воқеа етмаган бола, ноғирон киши томонидан содир этилиши мумкин. Албатта, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик жазосиз қолмайди. Аммо суд бу ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, маъмурий жавобгарликни қўллаш жараёнида енгиллик бериши мумкин.
"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 31-моддасига қўра, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар кирди:
1. Айбдорнинг ўз қилмишидан чин қўнғилдан пушаймон бўлиши (бу ҳолатда айбдорнинг ўз қилмишидан чин қўнғилдан пушаймон бўлиши унинг содир этилган ҳаёт-ҳаракатга қайрилиши экинчилигини аниқлаб етгани, ҳуқуқбузарликка салбий муносабати, ҳуқуқбузарликни тегишли идораларга ёхуд мансабдор шахсларга ўз ихтиёри билан маълум қилгани, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳолати ва сабабларини тушунганлигини билдиради);
2. Айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиёни ихтиёрий равишда тўлаши ёки келиштирилган зарарни бартараф қилиши (айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши деганда унинг бундай оқибатларни бартараф этиш ёки қамайтириш соҳасидаги қатъий ҳаракатлари тушунилади);
3. Ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳажон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шариотлар юзага келгани оқибатида содир этилиши (агар ҳуқуқбузар ақли расо бўлиб, кучли руҳий ҳажон таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, бу жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Башарти, ҳуқуқбузар ақли нора-соллик ҳолатида ҳуқуқни бузган бўлса, бу ҳолат умуман маъмурий жавобгарликни истисно қилади);
4. Ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурият таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши (бу ҳолатда ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарликни четдан бўлган таъсир

Mitti maslahat

остида содир этади, башарти бу таъсир бўлмаганда, у мазкур ҳуқуқбузарликни содир этмаган бўларди);
5. Ҳуқуқбузарликнинг воқеа етмаган шахс томонидан содир этилиши (бу ҳолат ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи қўнғилдир. Қўнғилчилигимиз, бунда шу нарсага асосланимиз, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар ҳуқуқбузарликни ҳаётий тажрибаси етишмаслиги, жавобгарлик тўғрисида мажбурий таъсир билан билмаслиги, катталарнинг таъсири билан содир этилиши мумкин);
6. Ҳуқуқбузарликнинг хомилалар аёл ёки 14 ёшгача бўлган боласини яқин тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши (ушбу ҳолат ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб, 14 ёшгача бўлган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган аёл ёки эркак бўлиши мумкин);
7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин (демак, ушбу модда талабига мувофиқ жавобгарликни енгиллаштирувчи бошқа сабабларни ҳам эътироз қилиш мумкин. Масалан, ҳуқуқбузарнинг ёши, соғлиги, ноғиронлиги, хизматлари, урушда қатнашгани ва шу кабилар).
Демак, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни билиб қўйиш фойдасидан холи эмас.
Баҳоидир СУЮНОВ

Sharmisorlik

моддалар миқдори 25-35 фоизга тушиб қолган, ер оқиқлаб, яроқсиз ҳолга келаётган бир пайтда рўй берган. Демак, бундан мутасаддилар тегишли хулоса чиқаришлари лозим.
Хулоса ўрнида айтсак, ўғирлик ҳеч қачон қасб ҳисобланмаган. У шармисорлик ва иснод тамғасидир. Шу боис имло лўғати-нинг янги наширда "ўғирлик" атамасига «жамият маънавий таназзулининг инъикоси. Унга шайқат қилиш жамиятнинг ҳалокатга олиб боради», деган изох киритиш зарур. Ана шунда бу йўлни танлаганлар шармисорлик номини ўчириб бўлмаслигини аниқлаб етсала, ажаб эмас.
Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ "Инсон ва қонун" муҳбири

ИСНОД ТАМҒАСИ

маишат қилаверсин-да, гапни бўёқдан эшитин.
Рус ёзувчиси Чеховнинг ҳикояси қаҳрамони бўлган Денисини кўпчилиқ яхши билди. Денис ўзи билмаган ҳолда ёзувликка йўл қўяди. Яъни темир йўл муруватларини ўзига ёқиб қолгани учун ечиб олади. Бу эса аянчли фожиага олиб келади. Денисининг издошлари Ховосда ҳам бор экан. Ховослик Илхом Йўлдошев темир йўл воканларини

пулга муҳтож бўлиб қолгани учун қилдим, дея изох берди.
Яна бир ховослик Шерзоджонга "Кавказ асириси" фильмида Нина исмли қизни нисбатан айтишган бўлса, ажаб эмас. Шерзоджонга етмаган ўсмирларни қинғирликка бошлаб, яна бир гуноҳга қўл урди. Энди ёш йигитлар ўғри деган номни умри охиригача қўтариб юришга мажбур.
Ховос қўрғони худудидан содир этилган ўғирликлар тафсилотини ўқиган киши бу

ер ўғирлар макони экан-да, деган фикрга боришса, адашишди. Чунки бу ерда халол-покиза одамлар яшамади. Бироқ шили қурмақсиз бўлмаганидек, баён этилган ҳодисалар ҳам учраб туради.
Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим тоғди. Ўғирлик учун аввало шарт-шароит яратмаслик керак. Ахир, ўзининг эҳтиёт кил, қўнғил-ни ўғри тутма, деб беқорга айтишмаган. Бунга айтишдан мақсад Ховос кимё омбори шундоқ темир йўл ва чегара ёнида жойлашган. Бу эса ўғирларга жуда қўл келмоқда. Шу сабабли ушбу омборда ўтган йили 1974415 сўмлик ўғит талон-тароқ қилинган. Шу жойга яқин Меҳнатобод туманидаги омбордан эса 100 тонна ўғит номаълум шахсларга сотиб оёриб юрилган. Бу вилотат бўйича ўғит етишмаётган, экин майдонларида минерал

Table with 4 columns: ИНСОН ВА ҚОНУН, Бош муҳаррир: Шодиқул ХАМРОЕВ, ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Икхтиёр АБДУЛЛАЕВ, Буритош МУСТАҒОЕВ, Пулат САМАТОВ, Хуриша ҚОДИҚОВ, Эркин СУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Фафур АБДУМАЖИДОВ, Илхом ХАМРО, Холди НОРБЕЙ, Нормейли НОРПУЛАТОВ, Саҳифаловчи-дизайнер: ЖАББОРОВ, Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ, Индекс: 646882, "ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида. 2 босма таъбиқ ҳақида, офсет усулида "Шарқ" нашриот-матбаа акциядорлик компанияси Бельманасида босилди. Қорхона маъмули: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси 41-уй. Бюро-тма 1-921. Тиражи — 10.000. Босишга топириши вақти — 21.00. Топириши — 21.30. МАЪНАЛИЙИНА: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлиб), 133-70-65, 133-84-50